



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни, барча мўмин-мусулмон юртдошларимизни, бутун халқимизни улуғ ва мўтабар айём – Қурбон ҳайити билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан гоҳат мамнунман.

Жамики ислом уммати учун қадрли бўлган ушбу шукухли байрам – Ийд ал-Адҳони эл-юртимиз билан биргаликда тинч ва осойишта муҳитда кутиб олаётганимиз учун, аввало, меҳрибон ва қудратли Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар айтаман.

Ҳеч шубҳасиз, кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда ижтимоий, халқчил давлат барпо этиш, унинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш ва таъсирчанлигини оширишда муқаддас ислом дини, унинг асосий байрамларидан бири бўлган Қурбон ҳайити ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Айниқса, бу байрамнинг инсонпарварлик, ахиллик, саховат ва олижаноблик каби фазилатлари юртимизда **“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”** деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга уйғун ва ҳам-оҳанг бўлиб, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурларимиз самарасини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар! Бугунги кунда мамлакатимизда турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, виждон эркинлигини таъминлаш, диний-маърифий меросимизни асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, ислом динининг эзгу тамойилларини чуқур ўрганиш, буюқ тарихимиз ва маданиятимиз дурдоналарини, машҳур алломаларимизнинг бой меросини тўплаш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, кўхна Шарқ мўъжизаси – Самарқанд шаҳри 2025 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилинди, улуғ ватандошимиз Имом Мотуридийнинг 1155 йиллик таваллуд санаси юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқорол имлий-тадқиқот марказлари қаторига, шу йил Бухоро шаҳрида ўз фаолиятини бошлайдиган Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот маркази ҳам қўшилди.

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида бунёд этилаётган Ислам цивилизацияси маркази илмий-маънавий йўналишдаги улкан ва ноёб лойиҳа сифатида эл-юртимиз ва халқорол жамоатчилиқда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу муаззам маскан кўп минг йиллик қадимий тарихимиз, бой ва бетақрор миллий маданиятимизнинг ёрқин тимсоли сифатида Янги Ўзбекистон ҳаётидаги гоҳат муҳим воқеага айланади, деб ишонаман.

Хурматли юртдошлар! Шу саодатли кунларда 15 минг нафар ватандошимиз муқаддас ҳаж зиёратини адо этмоқда. Эзгу дуо ва ниятлар ижобат бўладиган мана шундай мунаввар лаҳзаларда уларни ҳам Қурбон ҳайити билан самимий қутлаб, Яратгандан юртимизга соғ-омон қайтиб келишларини сўраймиз.

Умид қиламизки, муҳтарам ҳожиларимиз жамиятимизда бирдамлик, оила ва маҳаллаларимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларимиз тарбиясини кучайтириш, уларни илм-

маърифатга, замонавий касб-хунарларни эгаллашга, Ватан ҳимоячиси бўлишга тарғиб этиш, муҳтож инсонларга кўмак беришда алоҳида ибрат ва намуна кўрсатадилар.

Қалбларимиз қувончга тўлган ушбу файзли кунларда хорижий давлатларда бўлиб турган ватандошларимизни ҳам бугунги улуғ айём билан чин дилдан қутлаб, уларга соғлик-омонлик, бахт ва омад тилаймиз.

Жаҳоннинг узоқ-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизғин табриклаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларига тинчлик, раванқ ва фаровонлик тилаб қоламиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар! Ҳозирги кунда дунё нақадар мураккаб ва таҳликали бўлиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз. Бундай кескин шароитда юртимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини сақлаб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб кўзлаган юксак мақсадларимизга ета оламиз.

Албатта, ўз тарихида не-не синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва олижаноб халқимиз бунга ҳар томонлама қодир.

Бу йўлда эл-юртимизга мансуб меҳр-оқибат, ўзаро бирлик ва жипслик биз учун беқиёс куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Сиз, азизларни муқаддас Қурбон ҳайити билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Қутлуғ айём барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИЛМ ЙЎЛИ



ТАФАККУР ҲАМ КОИНОТ

ҚАДАР ЧЕКСИЗДИР

Ҳаммамиз хаёлан бир марта бўлса ҳам коинотга оид азалий жумбоққа жавоб излаганмиз, шундай эмасми? Энг камда Ойнинг нариги тарафино оламнинг чексизлигини ўйлаб бошимиз қотган. Бу ўйламларнинг аксарияти катта илмий таҳлил билан бериладиган жавобни талаб қилса, айримлари ҳақида тахайюлнинг тизгинини озод қўйиб гапиришга тўғри келади. Ҳамкасбимиз Шаҳриёр Шавкат билан бирга ана шу каби фазовий масалалар бўйича изланишлар олиб бораётган таниқли астрофизик, физика-математика фанлари доктори, академик Бобомурод АҲМЕДОВнинг сўхбатига ошдик.

Ўзбекистон Фанлар академияси Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтида антика буюмлар, жаҳоний эътирофлар матни туширилган ташаккурномалар, дунёнинг турли тилларида битилган қалндан-қалин китоблар тахланган шинам кабинетда кечган гурунгуимизни у киши таълим ва илм интеграциясидан бошлади: “Ўқитишда янги технологияларга интилиш, инновацион ёндашувлар таълим сифатини оширишда, албатта, катта аҳамиятга эга. Бироқ педагогининг илм билан машғул бўлиши ундан-да муҳим. Бу орқали ўқитувчи тала-

баларга энг сўнгги билимларни етказди ва уларга мустақил фикрлашни ўргатади”.

Бобомурод Аҳмедов замонавий технологиялардан, керак бўлса “Зед” авлоддан ҳам фаолроқ, мантиқлироқ ва унумли фойдаланадиган олим. Унинг бу борадаги фикрлари ҳам жуда қизиқ. Таъкидлашча, бугуннинг одами, айниқса, зиёли инсон тўртта тилини билиши керак. Биринчиси – ўз она тили. Киши она тилида фикрлайди, туш кўради, ижод қилади. Шундай экан, ўзини тўлиқ намён қилишида она тилини мукамал билишнинг аҳамияти беқиёс. Иккинчиси – илм-фан тили. Буни билиш, ўраганиш, тушуна олиш керак. Бу ҳам мунтазам шуғулланишни талаб этади. Учунчиси – чет тили. Агар олим чет тилларини билмаса, бутун дунёдан беҳабар қолади. Эришган натижаларини ҳам дунёга кўрсата олмайдди. Шунинг учун имкон қадар кўпроқ хорижий тилларни эгаллаш керак. Ниҳоят, тўрттинчиси – дастурлаш тили.

– Қандай қилиб бунга ўрганиш, замонасини англамай туриб киши олимман дейиши мумкин? Дастурлаш тилини билмаган олим учун келажак йўқ! Яна бир гап. Эйнштейн, дейлик, бир қути қоғоз сарфлаб, Нобель мукофотини қўлга киритган эди.

(Давоми 2-саҳифада.)

МАРД АСКАРГА СОВҒА

“АСКАРЛАРИ БОТИР ЭЛ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР”

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Халқ ва армия – бир тану бир жон” деган эзгу ғоя ҳаётимиз мезонига айланди. Шу тамойил асосида Қуролли Кучларимизнинг қиёфаси тубдан янгиланиб, у нафақат ҳимоя кучлари, балки ватанпарварлик ва маънавий камолот рамзи сифатида ҳам намён бўлмоқда.



Давлатимиз Раҳбари, Олий Бош Қўмондон таъкидлаганидек, “Халқимиз мард ва жасур ҳарбийларимиз тимсолида Ватанини ҳимоя қилишдек дунёдаги энг улуғ ишни шараф билан адо этиб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюқ аждодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган Она Юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради”.

дан бошлаб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда “Мард аскарга совға” туркумида ихчам китобларни нашр этиш йўлга қўйилди. Икки йил ичида 18 номдаги китоб нашр қилиниб, Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбий хизматчилар қўлига этиб борди. Шунга кўра, 2025 йилда яна 7 номдаги шеърий ва нас-

рий китобчалар чоп этилди. Кунга кеча Қуролли Кучлар академиясида ушбу туркумда янги чоп этилган китоблар тақдироти ўтказилди. Газетамизнинг 4-саҳифасида мазкур тўпламлардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этаймиз.

Маъмура ЗОҲИДОВА,
Ўзбекистон
Ёзувчилар уюшмаси
ҳарбий-ватанпарварлик
бўлими бошлиғи

УЙҒОҚ ХОТИРА



Каттаю кичик бу инсонни “Опа” дерди. Шу бир сўзда самимият, ҳурмат, эътироф бор эди. Хоразмда онани “опа” дейишларини эслатсак, бу атаманинг қадри нечоғли эканлигини англашимиз осон бўлади.

Катта ёшдаги кишилар “қизим” ёки “Шакаржон” дейишар, аммо бирор фуқаро у инсонга расман “Шакаржон Юсуповна” тарзида мурожаат қилганини эслай олмаيمان.

Бу даражада ҳурматга, эътирофга сазовор бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

ОПА

Ўтган асрнинг эллагинчи йиллари охири – олтинчи йилларида ярим хароба қишлоқда туғилиб ўсган, муштдек боши билан онаси қатида яқин кўмакчи бўлган, колхознинг йил-ўн икки ой давом қиладиган сермашаққат меҳнатида пишган, тунлари чарчоқни енгиб, қорачироқ ёруғида дарс тайёрлаш, китоб ўқишга вақт топа олган, тиниб-тинчимас феъли бошқаларда ҳавас уйғотган қизалоқ эди.

(Давоми 6-саҳифада.)

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



Айбсиз аёллар қамоқхонаси

Ўтган асрнинг 30-йилларида авж олган кенг қамровли сиёсий таъқиқлар – тарихда “Катта қирғин” номи билан қолган давр – нафақат жамиятнинг сиёсий, интеллектуал ва диний элитаси, балки оддий фуқаролар, айниқса, хотин-қизлар ва болалар тақдирида ҳам чуқур, қайғули из қолдирди. Аксар аёллар асоссиз бўҳтонлар исканжасида “халқ душмани”, “сотқин”га чиқарилган яқинлари ордидан айбсиз айбдорга айланиб, турли хорлигу ўрликларга гирифтдор этилган.



(Давоми 7-саҳифада.)



Бошланиши 1-саҳифада.

Бугун Америка Қўшма Штатлари James Webb космик телескопи учун 10 миллиард доллар харажат қилди. Ҳали у Нобелга лойиқ кўриладими, йўқми, номаълум. Демак, энди олимлик замонавий илмларнинг катта билимдони бўлиш билан бирга, улкан сармоя талаб қилади. Дарвоқе, фан кибри, инжиқ ва гўзал аёлга ўхшайди. У хиёнатни кечирмайди. Унга умрининг тўла-тўқис бағишлашнинг шарт.

Шу пайт Шаҳриёр қизиқ бир савол бериб қолди:

– Биз жаҳон аҳолисининг 0,5 фоизини ташкил қиларканмиз. Дунёдаги илмий янгиликларнинг, ихтиролар, инновациялар ва янги ишланмаларнинг ҳам шунча фоизини ташкил қила олаемизми?

– Дунёдаги илмий янгиликлар, ихтиролар ва инновациялардаги улушимиз бу рақамга нисбатан, афсуски, айни пайтда ҳали анча паст, – деди домла бош чайқанганча. – Жаҳондаги кашфиётлар, патент аризаларининг 0,1 фоиздан ҳам камроғига эга чиқяпмиз, холос. Илмий мақолалар борасида ҳам аҳвол шу. Бироқ қувонарли ҳолат ҳам бор. Масалан, Web of Science маълумотлар базасига ҳар йили тахминан 3-4 миллионга яқин илмий мақола қўшилса, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг бу борадаги улуши барқарор ўсишни намоян этипти. Шундай экан, илмий тадқиқотлар сони ва сифатини оширишимиз, янги илмий журналлар нашр қилиб, анжуманларни йўлга қўйишимиз, юқори савиядаги тадқиқотчилар сафини кенгайтиришимиз зарур.

Бу гапларни тинглаб туриб, Хитой Ойда атом электр станциясини ишга туширишни кўзлаётгани ҳақидаги хабарлар ёдимизга тушди. Домладан шу ушбу лойиҳада ўзбек астрофизиклари иштироки қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида сўрадим.

– Чиндан, бу воқеа инсониятнинг Ойни ўзлаштиришида янги даврни бошлаб бериши мумкин. Бу каби лойиҳаларда иштирок этиш учун юқори малакага эга астрофизиклар, муҳандислар ва илмий-тадқиқот институтлари керак бўлади. Ўзбекистонда ҳам астрономия ва астрофизика соҳасида анъанавий илмий мактаблар мавжуд. Дунё даражасидаги бундай йирик лойиҳаларда қатнашишнинг бир неча шартлари бор. Масалан, илмий тадқиқотлар кўлами, халқаро ҳамкорликдаги тажриба, техник инфратузилма ва молиявий таъминот даражаси каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Агар бизнинг илмий муассасаларимиз халқаро стандартларга мувофиқ тадқиқот лойиҳаларида иштирокини мунтазам ошириб борса, ишимиз олға силжийди. Шунингдек, янги авлод олимларимизнинг хориджа таҳсил олиб қайтиши ва дунё билан ҳамкорлик лойиҳаларида фаол қатнашиши учун имкониятларни кенгайтиришда давом этсак, келгусида ўзбек астрофизиклари бундан-да кўламли космик дастурларда муносиб иштирок этиши ҳеч гап эмас.

Академикнинг таъкидича, тарихда Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган юртимиз Европа ва Шарқни боғловчи кўприк вазифасини бажарган. Шу боис дунё тараққиётининг, сўнгги кашфиётлар, оламшумул ихтиролардан бевосита хабар топиб турилган. Ҳозирги кунда Хитой иқтисодий жиҳатдан кучли давлатга айланган бўлди. Европа эса уларнинг маъмулотида асосий харидор саналади. Биз яна йўл устида, чорраҳадамыз. Шу жиҳатдан Хитойнинг ривожланиши бизнинг тараққиётимизга ҳам аста-секин таъсирини кўрсата боради. Охириги йилларда таълимда мобиллик ошгани боис кўплаб тадқиқотчиларимиз Хитойда ўқиб келишмоқда. Улар жуда иқтидорли. Буни хитойликлар ҳам кўриб-билиб турибди. Демак, бундай лойиҳаларда иштирок этишимиз эҳтимол жуда юқори.

– Ҳа, Ойда атом электростанциясини қуришдан қандай мақсад кўзланган? Станция битди ҳам дейлик, бу энергия нимага ишлатилади? – қизиқсинади Шаҳриёр. – Ойдан Ерда бўлмаган минерал ва фойдали қазилмалар олиш мумкин. Электр станцияси шунинг учун керак, – дейди олим.

Сўхбатимиз Ой масаласидан Қуёш мавзусига кўчди. Кун янгиликларида бот-бот магнит бўронлари тарқалаётгани, унинг инсон саломатлигига салбий таъсири ҳақида мунтазам хабарлар келиб турибди. Иқлимимиз энг иссиқ ҳафта, энг иссиқ ой рекордларини тез-тез янгилаб борапти. Астрофизик олимдан “Қуёшдаги портлашлар, йилдан-йилга



Ернинг қизиқ бориши қачондир меъёрига келадими ёки инсоният глобал иссиқ хавфда яшашга маҳкумми?”, деб сўрадик. У кишининг жавоби бизни ҳам хавотирга солди, ҳам хотиржам қилди. Айтишича, Қуёш ўз фаоллик циклини ҳар 11 йилда ўзгартиради. Яъни, фаоллик бир ортиб, кейин пасаяди. Лекин Қуёшнинг умумий иссиқ астрономик кўламда миллиардлаб йиллар давомида кечадиган, инсон ил-

– Албатта, саёҳат ва илмий мобиллик – инсон тафаккури ва дунёқарашини кенгайтирувчи энг таъсирли омиллардан бири. Мен хорийжий сафарларим чоғида турли мамлакатлардаги фан муҳитини кўриб, хилма-хил тажрибаларга гувоҳ бўлдим. Бу нафақат илмий қарашларимни, балки инсон сифатида фикрлаш тарзимини ҳам ўзгартирди. Саёҳат одамзодни янги маданият, янги ғоялар билан юзлаштиради.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илм-фанга қаратилган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши Астрономия институтини ёшларига ҳам кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Тарихан бу фаннинг юраги бўлган Ўзбекистон замида замонавий астрономия ва астрофизиканинг ривожланишида ёшларнинг ҳиссаси ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Умид қиламизки, бундай истеъдодли олим ва

ТАФАККУР ҲАМ КОИННОТ ҚАДАР ЧЕКСИЗДИР

гай олмайдиган даражада секин жараён саналади. Шундай экан, бугунги глобал иссиқ муаммоси Қуёш фаоллиги билан эмас, асосан Ердаги антропоген омиллар – яъни инсон фаолияти натижасида атмосферадаги иссиқлик эффектлари газлар (карбон ва метан) миқдорининг ортиши билан боғлиқ. Содда қилиб айтганда, Қуёшдан келган энергиянинг бир фоиздан камроғи ерда қолиб, қолагани аксланиб, қайтиб кўтарилади. Агар ер атрофида зарарли газлар миқдори ортиб кетса, ўша энергия қайтиб кетолмайди ва натижада иқлимнинг кескин иссиқига сабаб бўлади.

– Айтинг-чи, астрофизика ва релятивистик физика соҳаларидаги илмий тадқиқотлар орқали энергия инкироти муаммоларига ечим топиш мумкинми?

– Албатта, ушбу йўналишлардаги изланишлар орқали энергия танқислиги муаммоларига янги ечимлар тақлиф қилиш мумкин. Масалан, коинотдаги қора туйнуклар ва нейтрон юлдузлардаги улкан энергия манбаларига оид тадқиқотлар ёки ядро синтези каби жараёнларни чуқур ўрганиш келажакда янги, самарали ва экологик тоза энергия турларини яратишга илҳом бериши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, релятивистик зарра тезлаткичлар технологияси ҳам юқори самарали энергия манбалари ва янги материаллар ишлаб чиқиш учун йўл очиши мумкин.

Бобомурод Аҳмедов ривожланган мамлакатлар билан мунтазам илмий ҳамкорлик қилиб келаётган изланувчан олимлардан. У жуда кўп давлатларнинг илм аҳли билан доимий мулоқотда, тафаккурни тараққиёт йўлига солган фидойи олимларимиздан бири. Ўрни келганда у кишидан саёҳатнинг аҳамияти ҳақида сўрадик. Президентимиз ташаббуси билан ҳар ойнинг бир шанба ва якшанбасини оила ва меҳнат жамоаси билан саёҳатга чиқиш кунини деб белгилангани замирида қандай ҳикмат кўраётганига қизиқдик.

Бу эса тоқат, бағрикенглик фазилатларини ва янгиликка очиклиқни шакллантиради. Хўрматли Президентимизнинг муайян бир кунни саёҳатга йўналтириш ташаббуси – шунчаки дам олиш эмас, балки жамиятда ижтимоий бирдамлик, маданий онг, ватанпарварлик ҳиссини оширишга қаратилган жуда нозик ва ўринли ташаббусдир. Оилавий саёҳат орқали инсон табиатга яқинлашади, ўз юртини қайтадан кашф этади, меҳнат жамоалари эса яқинроқ ва жипсроқ бўлиб боради. Қисқаси, саёҳат – бу жисмоний ҳаракат эмас, балки руҳий ва маънавий ўсиш йўлидир.

XXI асрга келиб ахборот технологиялари ривожланиши ва ўзаро ахборот алмашиши суръатининг кескин ошиши илм-фан ривожига маълум бир давлат миқёсидаги чегараларини йўққа чиқарди, – дейди домла. – Хусусан, Ўзбекистонда астрономия фанини ўрганиш, шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш учун тарихий ва ноёб астрофизик шароит мавжуд. Шунга қарамай, фундаментал астрономия ва астрофизика соҳасининг юксалиши, халқаро алоқаларнинг ривожланиши, уларнинг сифат нуқтаи назаридан янги босқичга чиқиши ўта муҳим омилдир.

Шундан сўнг домла фаолият кўрсатаётган Фундаментал ва амалий тадқиқотлар институтига йўл олдик.

– Бизнинг бўлиммизда асосан қирқ ёшгача бўлган ёш олим ва тадқиқотчилар йиғилган, – дейди у киши. – Улар кўплаб халқаро илмий лойиҳаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бу ерда илмий изланиш билан шуғулланган ёш олим, ҳозирда Манхеттен университетини профессори Ф.Фаттоев АҚШнинг турли нуфузли университетларида фаолият олиб борди, Флорида давлат университетидеги илмий ишани ёқлади. У нейтрон юлдузларнинг ички структурасини ўрганиш борасида яхши натижаларга эришмоқда. Яна бир ёш олимимиз Е.Абдукамоллов Калифорния технология институтидеги компакт объектларнинг ўзаро тўқнашиши натижасида ҳосил бўлувчи гравитацион долғаларнинг тўлқин шакллари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Бундай ибратли мисолларни яна давом эттириши мумкин. Бизнинг иқтидорли ва интилувчан ёш олимларимиз АҚШ, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Чехия ва бошқа кўплаб ривожланган давлатларда самарали фаолият кўрсатиш билан бирга, нуфузли халқаро грантларга сазовор бўлишмоқда.

мутахассисларимиз Мирзо Улуғбек издан бориб, Ўзбекистон номини дунёга янада кенгроқ танитишди.

Бобомурод Аҳмедов яқин ўн йилликда дунёда ва мамлакатимизда астрофизика соҳасида қандай илмий ютуқлар қўлилаётгани ҳақидаги саволимизга пухта таҳлил билан, фактлар асосида жавоб берди:

– Яқин йилларда қоронғи модда ва қоронғи энергия табиати ҳақида аниқ маълумотлар олиниши кутилмоқда. Бугун James Webb телескопи ва Euclid миссияси орқали олинаётган маълумотлар бу йўналишда жиддий илдамлашни таъминлапти. Истиқболда гравитацион тўлқинларнинг янги манбалари аниқланиб, LIGO ва Virgo детекторлари воситасида “қора ўра”лар ва нейтрон юлдузларнинг тўқнашувларини кузатиш орқали олам ҳақидаги тасаввуримиз янада кенгайди. Экзосайёраларда ҳаёт белгилари (биомаркерлар)ни излаш борасида ҳам катта муваффақиятлар кутиб турибди. Чунки James Webb ва PLATO каби миссиялар Ерда ўхшаш сайёраларда атмосфера таҳлили орқали ҳаёт эҳтимоллини баҳолаш имконини беради. Қуёш ва юлдузлардаги магнетизм ва портлашларни тушуниш эса инсон ҳаётига таъсир кўрсатаётган космик хавфлар прогнозини яхшилашга хизмат қилади.

Қора туйнукларга оид янги назария ва кузатувлар борасида ҳам инқилобий янгиликларга гувоҳ бўлишимиз, Ўзбекистон ушбу жараёнларда халқаро телескоп тармоқларига қўшилиши мумкин. Масалан, Майданак астрономик обсерваторияси ўта муҳим кузатувларнинг маълум бир қисмини мониторинг қилишда фаол иштирок этади. Махсус ёшлар дастурлари орқали халқаро астрофизика тадқиқот марказлари билан стажировкалар ва академик мобиллик йўлга қўйилади. Big Data ва Machine learning технологиялари орқали космик маълумотларни қайта ишлаш соҳасида кадрлар етиштирилади. Биз нуфузли халқаро грант ва дастурларда, қўшма лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этишни режалаштирганмиз.

Хуллас, академик Бобомурод Аҳмедов билан хайрлашиб, ортага қайтарканмиз, у кишининг коинот илмига оид фикрлари моҳиятини англаш учун атрофлича фикр юритиш зарурлигига амин бўлдик. Зеро, тафаккурнинг чегараси ҳам коинот қадар чексиздир.

Шавкат ДЎСТМУҲАММАД
ёзиб олди.

ОЙДИНЛАР

ТАРИХ ЗАЛВОРИНИ ГАРДАНГА ОРТИБ

Тарихий ҳужжатлар билан ишлаш жараёнида мислсиз сабоқ оласиз.

Бирини ўқиб, даҳшатга тушасиз. Бошқа бириндан кўнглингизга нур киради. Ҳар икки тур ҳужжат ҳам ҳақиқат учун хизмат қилиши керак...

Гарданига жадид боболар тортган машаққатлар, улар қолдирган бой меросни ҳаққоний ёритишдек залворли вазифани олгани учунми, гавдаси хиёл олда эгилган бу инсон тарих ҳақида сўзлар экан, юзида аллақандай шиддат зоҳир бўлади, елкалари кенгайиб, хаёлчан кўзларида жангчи нигоҳи аксланади. Санъатшунос, музейшунос олим ва маданият ходими Сирожиддин Аҳмадга илқ дуч келган одам кўз олдида унинг чехраси шундай қолади. Олимнинг маънавий қиёфаси эса



унинг асарлари, тадқиқотлари ва мақолаларида ўз аксини топади.

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида олим билан ўтган илмий-маърифий учрашувда айни шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди.


“Сирожиддин Аҳмад ҳаётда қанчалик сипо бўлса, илмий оламда шунчалик жанговар қиёфада намоян бўлади, – дейди музей директори Жаббор Эшонқулов. – У ўз ҳақиқатларини, ўз тадқиқотларини ҳимоя қилишни уddaлай оладиган, бунга доим тайёр бўлган олим. Устознинг ҳали илмий жамоатчиликка очилмаган кўплаб қирралари ҳам борки, камтарин олим ўз тадқиқот йўналиши бўлган жадид даври манбаларига оид фикрларини аниқ баён қилади. Ҳолбуки, олимнинг фан тарихининг бошқа муҳим жабҳаларига оид ноёб манба ва хулосаларга эга эканига бир неча бор гувоҳ бўлганмиш”.

Учрашувда адабиёт ва санъат йўналишида фаолият юритувчи олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди. Мулоқот давомида олимнинг ҳар бир масалага унинг туб илдизидан келиб чиқиб баҳо бера олиши, илмий таҳлил имкониятларининг кенглиги ва ҳар бир фикрнинг ҳужжатлар билан асослангани илм дунёсига қадам кўяётган ёшларга ўрнатқан бўлганига шубҳа йўқ.

“Устоз билан учрашув – биз учун ҳар доим катта хазина сари юзланишга тенг ҳодиса, – дейди филология фанлари доктори, профессор Санобар Тўлаганова. – Устозимиз сиймосида ўзи тадқиқ этган улғу маърифатпарварлар каби “ҳодим ул-миллат” бўлишга аҳд қилган инсон гавдаланади. Домла камтар зиёлига хос ҳаёт кечирмоқда. Сўз берилса, гапирди, лекин давраларда сўраб сўз олмади. Миллат тарихининг ҳақиқатларини фарзлар билан эмас, аниқ далиллар билан очиб берди. Бундай юксак мақомдаги олимлар сўхбатини, дуосини олишимиз керак, уларга хўрмат кўрсатиш бизнинг вазифамиздир”.

Сирожиддин Аҳмад фаолияти давомида “Қизил мустамлака: эълон қилинмаган уруш”, “Икки империя асоратида”, “Исмоил Гаспринский ва Туркистон”, “Миллий хуррият адабиёти”, “Қаюм Рамазоннинг ушалмаган орзулари”, “Ғозий Юнус”, “Убайдулла Хўжаев”, “Маҳмудхўжа Бехбудий” каби унлаб фундаментал китобларни, шунингдек, Тоҳир Шокирнинг “Туркистонда турк мафкура-си ва Алишер Навоий” ва Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Мен сендамен...” каби йирик тадқиқотларни миллиятимизга тўхфа қилди. Бу улкан илмий мактаб билан юзлашиш ёшлар қалбида ҳам ўзига хос тафаккур оламининг сирларига дарича очиши шубҳасиз.

Сўхрор ЗИЁ



“

Биз коинотни забт этипмиз, аммо ўз ички дунёимиздан беҳабармиз.

Жорж КАРЛИН

”



“Халқ ва армия – бир тану бир жон!”



Тўра СУЛАЙМОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ОТА МАКОН

Толларин тавоф қил, тупроғини ўп,
Гардин кўзга суртиб, турғосини ўп,
Ҳар саҳар юқиниб байроғини ўп,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Бошинг қўйиб топин остонасига,
Зоғ йўлата кўрма арқ-қалъасига,
Ҳамиша тайёр тур ҳимоясига,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Сайхуни, Жайхуни жавахир, лаълли,
Тоғлари тамалли, боғлари болли,
Тақдиримиз шу эл биландир боғли,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Арқони давлатин йўли бир бўлсин,
Юрган йўллариди нафс асир бўлсин,
Тахт-тож, салтанати мудом сир бўлсин,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Кўки кўланкасиз – офтобли, ойли,
Фуқаросин кўнгли Ҳимолой бўйли,
Серфарзанд, сердавлат, хайрли кўлли,
Бу Ота Макондир,
Бу Она Юртдир.

Азалдан ардоқли, ор-номусли эл,
Тўқсон тўққиз бовли, бий, бўлисли эл,
Сабр-қаноатли, қут, қомусли эл,
Бу Ота Макондир, Бу Она Юртдир!
Бу қадим Турондир – жон ичра жондир!



Азим СУЮН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ЎЗБЕКИСТОН СЎЗИ

Ўзбегим! Ўзбеклар! Ўз-ўзига Бек,
Ўз элида беклар, эшитинг сўзим.
Биламан, аслингиз – ўз сўзига Бек,
Сиз менинг юрагим, сиз менинг Ўзим!

Сиз оломон эмас – аждодлар гувоҳ,
“Авесто” гувоҳдир – энг қадим достон.
Сиз нонқўрлар эмас, сиз эмас гумроҳ,
Сиз подшоҳсиз, сиз хон, сиз хоқон, султон.

Ўз она тилингиз қутлуғдир сизга,
Сиз унда битгансиз не гўзал китоб.
Болта урмагансиз илдингизга,
Эзгу Сўз ва Амал – сиз учун офтоб.

Ҳанимлар олдида тиз чўкмагансиз,
Гарчи кажрафтордир бу дунёи дун.
Сотқин Яловочлар, у сиз эмассиз,
Миллат ори – Темур, сиз – Жалололдин.

Самарқанд, Бухоро, Хивани қурган,
Тарихлар меъмори, тожлар сирисиз.
Бахту фароғатин меҳнатда кўрган,
Сиз донишманд деҳқон – замин пирисиз.

Ҳа-ҳа, сиз ўзингиз каломи билан
Башар шарафини шариф этгувчи.
Илму ҳақ, ҳақиқат, аъмоли билан
Дунёни камолот сари элтгувчи!

О, сиз учун мангу бағрини берган –
Мен – Тангри тухфаси – дуоғўй бир жон,
Озодликнинг яшил тугин кўтарган –
Ота маконингиз – Хур Ўзбекистон!

ЭРК

(Достондан парча)

Чингизхон лашкари Урганч қамалида асирлардан жонли қалқон сифатида фойдаланади. Шаҳар муҳофизлари душманнинг илғориди “жонли қалқон” – қўл-оёқларига тушов урилган ўз биродарларини кўргач, камондан ўқ узишни ҳам, узмасликни ҳам билмай қолишади. Шунда асирлар иккиланмай отаверишни, ёғий ҳийласига учмасликни сўрайдилар.

Оқшом ҳали ёймаган парда,
Кўкка зулмат инмаган ҳали.
Нур сирғалар ҳали тоғлардан,
Кўёш буткул сўнмаган ҳали.
Капалаклар қобигин ёриб,
Рақс тушмоқда боғларда озод.
Улар билан ўйнайин бориб,
От, Муроджон, Мусулмонқул, от!

Ёдингдами, овга чиққан дам
Ўлжа пойлаб турардик қойим.
Илвасинни атайлаб сендан
Бир дона кўп отардим доим.
Ол, кўксимдан ушбу азобни,
Тушун, ахир, эй одамизот,
Тенглаштириш керак ҳисобни –
От, Самандар, Султонмурод, от!

Шудир уруш битган қоида,
Ё ўлдирмоқ ва ё ўлмоқдир.
Энг ёмони – душман пойида
Юртга элтар нарвон бўлмоқдир.
Қачонлардир бу кунни ватан
Ғурур билан этсин десанг ёд,
Қутқаргин бу юзқароликдан,
От, Раҳимбой, ўтинаман, от!

Ҳифзга муҳтож лолалар ҳаққи,
Мунчоқ кўзли болалар ҳаққи,
Кўкси куйиб адо бўлган-у,
Лек қадди тик оналар ҳаққи,
Сингилларнинг кўзидан томган
Маржон-маржон оналар ҳаққи,
Ёнса фақат висолдан ёнган,
Ўт кўрмаган оналар ҳаққи,



Ифтихор ХОНХЎЖАЕВ

Жоним билан берайин жон, от,
Тиланмоқда руҳи забон, от.
Титрамасин қўлларинг, Элбек,
От, Жўракул, Жўрасултон, от!
Эл ёвга қул бўлмасин деб от,
Замин қонга тўлмасин деб от.
От, Кўкалош, шу эмикдошим
Тириклайин ўлмасин деб, от!

Урганч аскарлари тескари қараган
холда кўзларида ёш билан ўқ уздилар.

Гулчехра УМИРОВА

БОЛАЛАР

Ухлатманг болаларни,
Бешигини уйғотинг.
Юрагига қўлф солган,
Эшигини уйғотинг.

Меҳр деган зўр кўрғон,
Чаман-чаман буй бўлсин.
Ҳар кимнинг юрагида
Ватан деган куй бўлсин.
Тилларига кўндингиз
Қушларнинг энг сайроғин.
Жажжи кўлчаларига
Тутқазинг юрт байроғин.

Аждодларга муносиб
Ворис бўлинг, болалар!
Жаҳолатдан, иллатдан
Олис бўлинг, болалар!

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!



**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги,
Ўзбекистон Фанлар академияси,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 июнда қабул қилинган “Бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофотни таъсис этиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини хорижий тилларга, жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига таржима қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида бадий таржима соҳасида Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги халқаро мукофот танловини эълон қилади.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган мазкур халқаро адабий танлов миллий адабиётимизни дунёда кенг тарғиб қилаётган, жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига ўғириб, китобхонларга тақдим этаётган фидойий таржимонлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, хорижий мамлакатларда ўзбекистонлик адиблар ижодига қизиқшни янада ошириш каби хайрли мақсадларни назарда тутади.

Мазкур танловга эълон берилган санадан бошлаб ўтган беш йил давомида китоб ҳолида чоп этилган ёки босма даврий ва электрон адабий нашрларда эълон қилинган таржима асарлар қабул қилинади.

Халқаро танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади ва унга белгиланган ҳажмдан кам бўлмаган асарлар қабул қилинади:

– ўзбек адабиёти насрий асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида ўн босма табоқ;
– ўзбек адабиёти шеърӣ асарларидан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
– ўзбек болалар адабиёти намуналаридан хорижий тилларга қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
– хорижий тилларда яратилган насрий асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида ўн босма табоқ;
– хорижий тилларда яратилган шеърӣ асарлардан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ;
– хорижий тилларда яратилган болалар адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржима – камида беш босма табоқ.

Драматургия жанрига оид таржима асарлар ушбу бандда кўрсатилган йўналишлар асосида кўриб чиқилади.

Халқаро танловга асарлар 2025 йил 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қабул қилинади. Ҳар бир махсус диплом, кўкрак нишони ва базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз баравари миқдоридан бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни интернетдаги ogahiyukufoti.uz сайтидан олиш мумкин.

ҲИКОЯ

СЕНИ ЯХШИ КЎРАМАН...

“Бугун хизматга келганимга эллик икки кун бўлди. Адашмасам, бу еттинчи мактубим. Ҳисоблаб кўрсам, сенга ҳар ҳафта битта мактуб битибман.

Санобар! Биласанми, одамда эсга олганда юракни жунбишга келтиргувчи исмлар бўлади. Сенинг исминг мен учун соф муҳаббат ва улғайишнинг иккинчи номидир. Биламан, бу гапларимга кўрсаткич бармоғинг билан кулгичларингни ушлаганча куляпсан. Шунча кулгачинг менга жуда ёқди. Мен нимаки ёзган бўлсам, эринмасдан ўқигин. Негаки, юрагим нимани буюрса, шуни ёзмоқчиман.

Мендан сал нарида туриб хат ёзадиган йигитнинг исми Абдор. Айтишича, мактабда математикадан “беш”га ўқиган экан. Унинг фикрича, дунёдаги ҳар бир калом ҳисоб-китоби. Кулгили-я. Энди тасаввур қилиб кўр. Сен кимгадир ширин гапирдинг-у, ундан худди шундай муносабат кутсанг. Ёки яна кимгадир “Сиз зўр!” деб айтсанг-у, у зўр бўлмас-чи? Майли, менимча, Абдорнинг гапини бундай тушунмаслик керак. Унда қандай, дейсанми? Қара, сен кимгадир яхшилик қилсанг, уша одамдан қайтмас-да, бошқа бировдан бу, албатта, қайтар экан. Бунга ишончинг қомил бўлиши учун кишлоғимиздаги Кенжа бобонинг ҳаётини гапириб бераман.

Кенжа бобо урушдан ярадор бўлиб қайтади. Эсингда бўлса керак, Шодмонбиби момо айтиб берганди Мелибой бобонинг боғига довча егани кирганимизда. Эсладингми?

Бобо бир оёғини бегона юртларга “ташлаб” келади. Кетмонга кучи етган қизми-аёлми, ёшми-кексими – бари далада. Бобонинг виждони кайвони Сония момонинг сурпасидек покиза бўлган. Шундай кўнгли тоза бўлган бобо ҳам қараб турадимми? У “Мен қон кечиб келдим, энди бир оёғимни узати-иб ётишга ҳаққим бор, укарлар!” деса, ким унга юрак ютиб бирор нима

деёларди? Йўқ, бобо кўлтиқтаёққа таяниб, эртадан кечгача эл қатори тиним билмай ишлайди.

Бир куни раис: – Кенжабой, сен почтачилик қилмайсанми? – деб сўрайди. – Шундоғам қишлоғимиз учун катта ишлар қилдинг. Сени қийнаб қўймайлик яна...

Бобо почтачи бўлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бутун кишлоқ оналари бобони кўрса, худди душманни кўргандек, оёқлари қалтираб юраклари тўкилади. Аёллар бир нарсадан кўрқарди: қорахат... Бобо кўча бошида кўрингудек бўлса, ҳозир қора сумкасини қовлайди-ю, йигирма йил кўксимда ўсган боламни битта хатга жойлаб, уйимни куйдиради, деб кўрқашаркан. Бобо нима қилсин? Ахир, одамларнинг ўзи шу ишга қўйган-ку. У бир-икки марта ишини ташламоқчи бўлди, бироқ... Раиснинг юзи иссиқлик қилдимми, жимгина ишлаб юраверди.

Кейин биласанми нима бўлган? Ҳеч кимга хат келмай қўйган... Ҳа, шундай. Тўғри, гоҳ-гоҳида битта-яримта омонлик дарагини берадиган номани бериб кетарди бобо. Энг қизиғи, урушдан йигирма йил ўтиб, бобо бу дунёни тарк этганида одамлар унинг сандигидан икки боғлам хат топиб олишган. Улар, биласанми, бир неча ўнлаб кишининг қорахатлари бўлган экан. Уша қорахатлардан бири отамнинг бобосиники бўлган. Ҳатто, бобонинг кишлоғимиз оналарига ёзган мактуби ҳам топилад.

Ҳатто, бобонинг қишлоғимиз оналарига ёзган мактуби ҳам топилад. Шунда бобо: “Агар оналар бир кун фарзанди қозоғга айланиб келишини билганида, туғмаган бўлишарди. Агар оналар фарзанд доғи юракни тешиб юборишини билганларида турмушга чиқмаган бўларди. Мен ёмон яшадим. Ҳа, бировга ёмонлик қилмасам-да, лекин ёмон яшадим. Негаки, мен кўз ёшларига воситачи бўлдим”, деб ёзган экан. Қолгани эсимда йўқ. Яхши эсласанг керак,

байрамларда Кенжа бобо ҳақида дуо қиламиз. Бу унга оналарнинг марҳамати, кечиргани, сен тўғри яшадиг, дегани... Кенжа бобони ўйладим-у, Абдорнинг фикрига қўшилдим. Балки сен ҳам маъқулларсан...

Санобар, момом ҳақида ёзиб, мени яна хурсанд қилдинг. Сенга момом ҳақида бир гап айтиб берайми? У оиланинг кенжаси бўлган. Энди унга кирганида йигирма иккига тўлган акаси армияга кетиб, қайтмаган. Уни ўша ёқдан урушга олиб кетишган экан. Момонинг ота-онаси “Ана келади, мана келади”, деб боласининг дийдорини қиёматга қолдириб, бу дунёдан ўтиб кетган. Шу фожиа сабаб момом, билсанг керак, бирорта фарзандини кишлоқдан чиқармаган. Армияга боришга-ку, асло унамаган. Шунинг учун барча амакиларим бир маҳаллада яшашади. Бирови учувчи бўлишни орзу қилган экан. Ҳозир ҳам айтади. “Ўзим-ку, бўлмадим, лекин ўғлим, албатта, учувчи бўлади”, дейди. Бунга ҳам момом унамаган. Қишлоғимизда бир кампир бўларди. Исми Анзират. Шу момонинг икки учувчи ўғли урушда самолёти билан портлаб кетади. Момо жинни бўлиб қолган экан. Эри эса “Бир куни болаларинг келади, мана кўрасан”, деб уни овутишга уринаркан. Сен билан биз эслолмаймиз, айтишларича, мустақиллик бўлган йили байроғимиз нақши туширилган самолётлар кишлоқ тепасидан ўтади. Шунда бобо: “Кампир, болаларинг қайтиди”, дейди. Улим тўшағида ётган момо ўрнидан туриб осмонга қарайди ва илҳақлик билан “Қани, болаларим, улар самолёт-ку”, дейди.

– Тўғри, лекин ичида ўзимизни болалар-да, – дейди бобо. Момо энгил тин олади ва шу кеча омонатини топширади. Буни сен ҳам эшитгансан, эслатганим сабаб – шунга ўхшаш воқеалар



Санжар ТУРСУНОВ

момомни кўрқоқ қилиб қўйган. Ахир, узоқ йиллар қалбиди сақлашиб келаётган кўрқувни чиқариш осон эмас-ку!

Момом менинг хизматга боришимга ҳам тиш-тирноғи билан қарши бўлди. Барча амакилариму аммаларим орага тушиб, бир амаллаб кўндирдик. Аввалги хатингда момонинг хурсанд бўлганини, ҳозир армия яхши экан, деб алқабганини ёзгандинг. Шунисига хурсандман.

Санобар! Юрагимда, бутун жисимимда олов бор. Биласанми, бу олов қачон пайдо бўлди. Қасамёд куни. Ҳа, ўшанда шапкамини тепага отарканман, худди юрагим осмонга чиқиб кетадигандек ҳапирқар, еру кўқда юраклар учиб юргандек туюлган менга.

Сени тишинг тушган кундан бошлаб яхши кўраман. Уша Яккатол боғидаги йўлда қилинган орзудан бошлаб яхши кўраман.

Санобар! Мен зўр одам бўлдим. Ҳа, елкамда Ўзбекистоннинг қафти турибди. Бу кўл елкамда экан, бу дунёда мендан зўр одам йўқ!”



БИР ҲАЙКАЛ ТАРИХИ

“Хаёл оти билан кезиб” (Абдулла Орипов ибораси) узоқ тарихимизга йўл олсак-да, улуг бобомиз Алишер Навоий даврига борсак. Ул зоти муборакнинг илм истаб рўйи замин сайқали қадим Самарқандга отланганини хаёл кўзларимиз билан кузатсак.

Ана, навқирон Навоий Тахтақорача до-вонидан ошиб, икки томонда осмон билан бўйлашиб турган виқорли тоғларга, у тоғлар бағридаги турфа ўт-ўланларга, дов дарахтларга махлиё ҳолда жаннатмонанд бу гўшанинг тиник, беғубор ҳавосидан симириб, мамнуну масрур бормоқда. Ул зотнинг уловига ҳам ўзига бир зум дам бериш ва бу шифобахш ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олмоқ ниятида йўл четидаги дўнгликларда оёқ чўзиб ўтирганини ўйласак, юрагимиз ҳап-риқади. Биз ҳар куни кўрадиган ва аҳамият бермайдиган мана шу улғувор тоғларга, хув пастда оҳангдор жилдираб оқаётган дарёга буюк Навоийнинг муборак нигоҳи тушганини ўйлаб кўрсак, одам ғалати бўлиб кетади. Бизнинг назаримизда жонсиз, аслида тирик мавжудот бўлган ўт-ўланлар, дарахтлар, “виқор-ла ўшшайган қоя”лар (Ойбек) бизни беш аср олдин ўтган буюк бобомиз билан “бирлаштиради”.

Навоий ҳазратлари Омонқўтон, Қизилтўриқ, Терсак, Қизилбош, Қоратепа, Мингбулоқ (бу мен туғилган қишлоқ), Баҳрин қишлоқларидан ўтиб Кенагас қишлоғига келади. Атрофга разм солади. Шарку жануб томонда оқсоч Ургут тоғлари, фарбу шимол тарафларда баланд-паст қирлар оша воҳа ястаниб ётипти.

Навоий бобомиз яшаган даврдан энди хаёл отимиз билан ўз замонамизга, яъни 1991 йилга қайтайлик. Маълумки, ўша йил Ўзбекистонимизда Алишер Навоий йили, деб эълон қилинди. Улуғ зотнинг руҳи кезиб юрган ўша шуқуҳли кунларда бир фикр келди хаёлимга. Синфдош дўстим Зойир Зиёев Ургутнинг Навоий номидаги колхозда раис эди. У билан гоҳ Тошкентда, гоҳ Самарқанд Ургутда учрашиб-галпашчи турар эдик. Зойир билан шунчаки синфдош эмас, балки жўра киришган эдик. Илгари шундай урф бор эди: агар икки йигит жўра киришадиган бўлса, бу уларнинг ота-оналари олдида эълон қилинар, йигитлар бир-бири билан ака-укалар каби оқибатли бўлишга аҳд қиларди. Шу боис Зойир бизникига, мен уларнинг уйига тез-тез бориб турардим. Шуқурки, бу жўрачилигимиз ҳамон давом этмоқда...

Гурунглариимиздан бирида хаёлимга келган фикрни унга айтдим:

– Зойир, мана, неча йилдан бери колхозда раиссиз. Биламан, шу йиллар давомида кўп хайри ишлар қилдингиз. Менда бир таклиф бор. – У ялт этиб менга қаради. Зойир ёшлигидан эпчил, ҳаракатчан, тиниб-тинчимас, янгликка ўч йигит эди.

– Қандай таклиф?
– Биласиз, бу йил республикамизда Навоий йили, деб аталди (ҳали мустақиллик эълон қилинмаган эди). Сиз раҳбарлик қилаётган колхоз Навоий номида. Йил номидан фойдаланиб, Алишер Навоий ҳайкалини қўйдирсангиз. Бу шу пайтгача қилган барча ишларингизнинг энг улуғи ва мангу қоладигани бўлади, назаримда.

“БУ НАФЪ ЎЗУНГА КЎПРАКДУРУР”

Зойирнинг кўзлари чарақлаб кетди.
– Зур бўларди! – деди. – Ҳайкалтарошни қаердан топамиз?

– Бу иш менинг зиммамда. Илҳом Жабборов деган истеъдодли ҳайкалтарош бор. Шоир Султон Жабборовнинг укаси. У билан ўзим гаплашаман. Истасангиз, бирга борамиз.

...Шундай қилиб, икковимиз Илҳом Жабборовнинг устахонасига бордик. Зойирни таништирдим, мақсадни айтдим. Илҳом аввалига ишим кўп, деб тайсаллади.

– Навоий йилида Навоий номидаги колхозда Навоий ҳайкалини қўймасак бўлмайди, – дедим қатъият билан.

дегунча унинг олдига бориб, бироз суҳбатлашиб, ишнинг кетиши билан қизиқиб, Илҳомнинг илҳомини жўштириб турдим. Зойир-ку бир оёғи Тошкентда бўлиб қолди. Баъзан ҳазиллашардим:

– Зойир, колхознинг ишларига ҳам қараяписми?

– Колхоз ишининг нимасига қарайман? Одамларга ҳадеб ақл ўргатавериб халақит бермасангиз бўлди, ҳамма ишини ўзи биллиб қилаверади.

Зойир Навоий ҳайкали қўйиладиган жойни танлашга киришди. Колхоз идораси олдига қўйиш керакми? Ёки мактаб ҳовлиси-гами? Ҳар қалай ўқувчилар дарсда Алишер

кўрсатаман, – дейди ва Тошкент-Термиз йўли томон юради. – Колхоз идораси олдига қўйсак дейсиз, колхоз бугун бор, эртага нима бўлишини Худо билади. Сиёсат қаёққа қараб кетаётганини кўриб турибсиз-ку. Ҳазратнинг ҳайкалини шундай жойга қўяйликки, замон ҳам, сиёсат ҳам таъсир қила олмасин... Энг муҳими, эҳтимол, Навоий ҳазратлари Самарқандга ўтаётганда шу тепаликларда ўтириб ҳордиқ чиқаргандир...
– Бўлиши мумкин, – дейди Зойир.

Дарҳақиқат, истиқлол шабадаси эса бошлаган эди. “Давлат тили ҳақида”ги қонун, Мустақиллик декларацияси қабул қилинган, Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлангани шундан далолат берарди.

Улар Кенагас қишлоғи йўлидан Тошкент-Термиз йўлига чиқиб, ўнганга бурилади, эплик қадамлар юриб тўхтади. Эркин ака Зойирнинг елкасига кўлини қўйиб, кунчиқш тарафдаги тепаликка ишора қилади:

– Мана шу тепаликка қўйиш керак ҳайкални! Навоий бобомиз ўша ердан атрофни кузатиб тургандай бўлади. Бу жой Тошкент-Термиз йўлининг қоқ ўртаси – шу ердан Тошкентгача ҳам, Термизгача ҳам 354 километр. Самарқанд тарафдану Термиз томондан келганларга бирдек яққол кўриниб туради. – Эркин ака жингалак сочларини силаб, майин жилмаяди. – Мана шу ердан ҳайкалга чиқиб борадиган зинали йўл қиласиз. Ҳайкал атрофида майдон бўлиши керак. Зиёратга келганлар ўша ердан чор атрофни томоша қилади.

Бу фикр Зойирга маъқул бўлади.

...1991 йилнинг август ойи охирида халқимизнинг бир ярим асрлик орзуси ушладди – Ўзбекистон мустақил давлат, деб эълон қилинди. Ана шу тарихий айёмдан ўн етти кун ўтиб, 1991 йил 17 сентябрда Ургут туманининг Кенагас қишлоғида ҳазрат Алишер Навоий ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлади. Унда Самарқанд вилояти ва Ургут тумани раҳбарлари, таниқли адабиётшунос Ботирхон Валихўжаев, шоира Ойдин Ҳожиева ва бошқалар иштирок этади.

– Мана шу ҳудуддан бир неча шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан, – дейди тадбирни кириш сўзи билан очган Зойир Зиёев бу ерда Алишер Навоий ҳайкали беҳиз қўйилмаётганига урғу бериб. – Барот Бойқобилов, Эркин Неъматов, Асад Дилмурод, Абдусайд Кўчимонов, Абдурашид Абдурахмонов шулар жумласидан...

Бу гапларни эшитган Ботирхон Валихўжаев Зойирнинг гапини тасдиқлайди.

– Шунча адибу олимларни берган табаррук жойда буюк Навоий ҳайкалининг ўрнатилгани мантқан тўғри иш бўлибди.

Тадбир охирида қолганда “Зойир Зиёев ўғил неварга кўрибди” деган хушхабар етиб келади.

Ҳамма суюнади, йиғилганлар Зойирни кутлашади. Жамоа вилоят раҳбари Пўлат Абдурахмоновга юзланади:



Илҳом Жабборов ниҳоят рози бўлди.
– Ўқув йили бошланишида ҳайкалнинг очилиш маросимини қилсак, зур бўлардида, – деди Зойир. Суҳбатимиз баҳор ойларида кечаётган эди.

Илҳом бироз ўйланди.
– Буюртмаларим кўп. Сентябрьгача улгуришим қийин, – деди мўйловини силаб.

– Илҳом, кимнинг қанақа буюртмаси бор, билмайман, – дедим. – Аммо, имкони бўлса, шу ишни тезлаштириб беринг. Биргина Зойир эмас, бутун Ургут аҳолиси сиздан миннатдор бўлади.

Хуллас, ҳайкалтарош кўнди, Зойир айтган вақтгача битказиб, сентябрда очилиш маросимини ўтказишга ваъда берди.

Илҳомнинг устахонаси биз яшайдиган “дом”га яқин эди. Шу боис вақтим бўлди

Навоий ҳақида ўқийди, ҳайкалини кўриб турса фойдаси кўпроқ бўлар...

Уйлади, кўп ўйлади, ҳар тарафлама ўйлади. Бир қарорга келиш осон бўлмади. Охири шоир Эркин Неъмат олдига борди. Эркин ака узоқ йиллар Ўзбекистон радиосида, телевидениеда ишлаган, шеърый китоблар чиқарган.

– Эркин ака, Алишер Навоий ҳайкалини қўймоқчимиз, шунга жой танлаёлмай бошим гаранг, – деди Зойир. – Бир маслаҳат берсангиз. Колхозимиз номини Сталин ўрнига Навоий номига ўзгартирган ҳам сизнинг отангиз. Шунинг учун олдингизга келдим.

Эркин ака Зойирнинг гапларини тинглаб, бироз уйга толади. Сўнг ўрнидан туради.

– Юринг, ҳайкални қаерга қўйишни

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ТРАМПДАН ЯНА ТАҚИҚ

АҚШ президенти 12 давлат фуқароларининг АҚШга киришини тўлиқ тақиқлаш ҳақида фармон имзолади. Бу қарорни у ўзининг “Truth Social” ижтимоий тармоғида маълум қилди.




Бу рўйхатга Афғонистон, Мянма, Чад, Конго Республикаси, Экваториал Гвинея, Эритрея, Ҳайити, Эрон, Ливия, Сомали, Судан ва Яман давлатлари киритилган. Қўшма Штатларда қонуний доимий резидентлар ва амалдаги виза эгалари учун истисно бор.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК СОВУТИШ ТИЗИМИ

Саудия Арабистони Ҳаж ибодатини адо этиш учун зиёратчилар тўпланаётган Маккадаги Масжидул-Ҳаромда дунёдаги энг катта совутиш тизими ишга туширилгани эълон қилди.

Бу мавсумда Ҳаж амалини бажариш учун мамлакатга 1,4 миллиондан зиёд зиёратчи



ташриф буюрди.
“The National” нашри хабарига кўра, янги ишга туширилган ушбу тизим масжиддаги ҳароратни 22-24 даража орасида муқим сақлаб туришни таъминлайди.

МАРОКАШДА ҚЎЙСИЗ ҲАЙИТ КУТИЛМОҚДА

Қурбон Ҳайити яқинлашаётган бир пайтда қурғоқчиликдан азият чеккан Марокаш ҳукумати аҳолини анъанавий қўй сўйишдан воз кечишга чақирди.



“VTCNG” газеталар гуруҳи хабар беришича, Қироллик кетма-кет еттинчи йил давом этаётган қурғоқчилик туфайли чорва моллари тақчиллиги муаммосига дуч келаётгани сабаб бу гайриоддий чақириқ эълон қилинди.

СУНЪИЙ ҚОН

Япониянинг Нара тиббиёт университети олимлари ҳар қандай қон гуруҳига эга одамлар учун мос бўлган инновацион сунъий қон ишлаб чиқди. Ушбу кашфиёт тиббиётда муҳим воқеа бўлиши мумкин.



Янги технология фойдаланиш мuddати ўтган қондан гемоглобинни ажратиб олишга асосланган. Темирга эга бу оқсил эритроцитларда кислородни ташиш учун жавобгардир.

Сунъий қоннинг асосий афзалликларидан бири уни узоқ мuddат давомида – хона ҳароратида икки йилгача ва музлатгичда беш йилгача сақлаш имкониятидир. Оддий донор эритроцитлари кўпи билан 42 кун сақланади ва махсус шароитларни талаб қилади. Сунъий қизил қон таначалари 2030 йилда амалий фойдаланишга топширилиши мумкин.

ИККИ ФАРЗАНДЛИК СИЁСАТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Кексайиб бораётган аҳоли орасида ёшлар сонини оширишга умид қилиб,

коммунистик Вьетнамнинг Миллий асосблеяси оилаларни икки нафар бола билан чеклаш тўғрисидаги қонунни бекор қилувчи янги тузатишни қабул қилди.



Мамлакатда оилалар кам фарзанд кўрмоқда ва туғилиш даражаси 2024 йилда ҳар бир аёлга 1,91 нафаргача пасайган. Бу тенденция, айниқса, яшаш харажатлари юқори бўлган Ханой ва Хошимин каби шаҳар ҳудудларида яққол кузатилмоқда.

БОЛГАРИЯ 2026 ЙИЛ ЯНВАРДАН ЕВРО ҲУДУДИГА ҚЎШИЛАДИ

Европа Комиссияси Болгариянинг 2026 йил 1 январдан евро пул бирлигига ўтишига розилик берди. Бу қарор мамлакатни ягона валюта ҳудудининг 21-аъзосига айланишига йўл очади.



Болгария евро ҳудудига қўшилиш учун зарур бўлган барча талабларга, жумладан, нархлар барқарорлиги ва молиявий интизомга жавоб берган. Бироқ болгарлар бу масалада икки тоифага бўлинган. Кўпчилик парламент биносининг ташқарисида норозилик намойишларини ўтказмоқда.

ВАҚТИНЧАЛИК ҲИМОЯ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ

Еврокомиссия Европа Иттифоқидаги украиналик қочқинларнинг ҳимояланган мақоми яна бир йилга узайтирилиши лозимлигини маълум қилди.



Украинадаги уруш давом этаётгани ва беқарор вазиятни инобатга олган ҳолда Европа Иттифоқи ижроия органи ҳимоя мuddатини 2027 йил мартгача узайтиришни таклиф этди. Аъзо давлатлар келаси ҳафтадаги йиғилишда ушбу таклифни тасдиқлашлари мумкин.

Комиссия маълумотларига кўра, уруш бошлангандан буён Украинадан Европа Иттифоқига 4,3 миллиондан ортиқ киши қочиб ўтган.



ЗАРДА

ЙЎҚ, СОҒАМАС БУЛАР, СОҒАМАС...

Ўзи қирқ йиллик боғбонга маълум: айниган мевани тозаси билан ёнма-ён қўйсанг, қолганлари ҳам чирийдди. Масал булким, чиллаки чиллакини кўриб, чумак уруп. Алҳосил, таносилу бавосил сёрҳосил бўлди. Зотдор итларга талаб кўпайиб, зодагонлар қамайди. Ҳай, нима бўлди дейсанми? Бало бўлди, баттар бўлди. Кел, сениям бошингни қотирмасдан аталани бир чеккасидан ялагандай, гапниям бир бошдан бошлайин. Ахир нима қилай, гапирмай десам, соқовмасман...

Мени биласан, асли миришкор, қишлоғидан чиқмаган, меҳнаткаш, ҳалол, ғирт фидойи, буни устига ўлғудай камтарину камсукум одамман. Озиб-ёзиб шаҳар ораловдим. Жоҳилият пайти тўрт кун тиззаси йиртиқ шим кийиб, ўзини мўдний ҳисоблаб, ота-онаси кўйган гулдай Тожимамат отини қаёғдаги Жоржга алмашган сўтақўзи бугун бир дўмбалоғ ошиб, Ҳожи-тожи бўвопти. Уша ҳамқишлоғим билан тўқнашиб қолдим. Мундай гурунгини олсам, иккита белатим бор, бири хотинники эди, бозор оралаб кетганча бедарак кетди. Шу сенга насиб қилган экан, бир кулишиб чиқайлик деб қолди. Қаёғданам хўп дедим, кўргилиги йўқ кўргуликка обкирдим. Икков битта-биттадан ўтиригични ишғол қилдик. Томоша бошлади. Эҳ-ҳе, ҳамма ёқ шарманда! Эркак-аёл чуввос солиб, бир-бирига иргишлаб ётибди. Одам мундоғ бир, кечаси болаларни ухлатиб, хотинни кулоғига шивирлаб айтишга уяладиган гапларни булар минглаб шўринг қурғурга пуллаяпти. Пам-парасати уйда қопкетган оломонни оғзини кўрсанг, "ха-ха-ха, хи-хи-и"дан бўшамайди. Эрли жувонга хуштор бўлгандан хуш тортиб, хўкиздай пишқирган бе-маза сўқимнинг шаталоқ отишига бутун бошли пода ишқивоз. Елинига латта етмаган ғунажинлар лўқмадаги "теран маъно"ни ўзича англаган



бўлиб, оғзини дошқозондай очганида йўғон ичагининг қопқоғи кўриниб кетади. Ҳар тугул жиндакина уят боракан шекилли, тирноғи паншаҳадай ўсиб кетган кафтини трактирни балонидай шишган лабига босиб-босиб олади. Ёнидаги буқачаси бўлса мазза киворганиданми ё мазза киворши учунми ғунажинни сонига шап-патиллаб-шаппатиллаб олади. Буларни қочиримлари мазангни қочиради, пайровлари пайингни қирқади. Пешлавахасига "Камедия" деб ёзилганди, ғирт "Трагедия" -ку! Шу жойига устозим Мулла Хунобдан бир жуфт байт кепқолди:

*"Хўрлангон, ай бечора,
кулоғига қолгон кулги,
Безбет, беюз,
безотлар бозорга солгон кулги.
Энидаги либоси йиртиқ,
чечиб ташланган,
Масхара бўлгон кулги,
шарманда бўлгон кулги!"*

Ҳаққаст рости шу, бу иштонни йиртиқларнинг ҳангама базмига қизи, сингли, опаси, қайнанаси, раднўй хотинини обкириш, ҳеч бўлмаса, кўрувчилар орасида энаси (бор-

лиги)ни кўрсатиш керак. Пошикасталарни биринчи қаторга ўтқизиб, бошла ашуллангни деб, секи-ин кузатсак... Ана кейин... деб турсам, "Анов, олд ўринлардаги оғзини боғи қочган заифалар саҳнадаги масхаравозни қондошлари..." Бўлари бўпти, ош тағига обди. Айлана-бўғи бўлиб ўзлари оилавий ичиб ётишибди экан. Товба-товба...

Ўзи қирқ йиллик деҳқонга маълум: бодринг палагини боссанг, ҳосили нобоб бўлади. Йўқ, бу жониворларни палаги тозамас. Буларни палагини карвон-карвон кўтос топтаган. Анов томоша ўлғурда бошдан-охир дўппимни юзга бостириб ўтирдим. Камбағални туяни устида ит қопар деганларидай, дўппи савил эски эди, тирқиши боракан. Тугмани тешигидай жойдан бостириб қиряпти-я бу бачча-ғарлар. Тагин нима қилай, эшитмай десам, кулоғим кармас...

Сўтақўзини биқинига ниқтаб-ниқтаб, кетайлик дейман. У бўлса, жим ўтир нодон, маданиятли бўсанг-чи, дейди. Маданиятни анави саҳнадагилардан сўра, жўра, дейман. Кейин

билсам, уйдан илон, кўздан чипқон чиққанлар кунда шунда экан. Бу энг чиптаси чандон, бозори чаққон шодону нодон тушадурғон томошаи оломон экан. Кўтар бозортўрвангни, дедим-да шарт туриб, жўнавордим. Йўқ, соғамас булар, соғамас...

Аммо у ёғи баттар бўлди. Бу бўшангу сатанг, лапашангу бошлангни касопати ёшу қарига бирдек урибди. Ҳаммасини қўлида тилпон. Тилвизр ёқсанг ҳам шулар калла кўйяпти, ўчириб кўйсанг ҳам шулар... Бир томонга қарасанг, бири "Олга, аҳмоқлар, биз дунёни қўлга оламиз!" деса, бошқа томонда бошқаси "Ман Етимхонман" дея олти ой попирида дудланган пигурасини кўз-кўзлайди. Калласи йўқ кети билан мақтанади деганларидай, қорнини мақтаб керишганлари қанча. Тагин кап-катта хотинлар меҳмони билан мақтанганига нима дейсан? Эҳе, буларни дастидан дод деб бошингни чангаллаб турсанг, бири бировини силаб-сйлаб, жўлаяди: "Борми оғриқ?! Ҳа, отам? Борми?" Йўқ, соғамас булар, соғамас...

Тарғил бир говмиш чиқиб, "Шунча

кўз сузсангиз ҳам буқангиз ипини узолмаяптими? Унда мана бу "Омухта" айнан сиз учун! Уни кун-жара билан аралаштириб беринг. Тезда иштаҳаси очилиб, шулухага талпингандай талпинади сизга", дейди. Ҳаҳ, эналарини эмси-ин, шуям гап бўлди-ми энди?

Яна бир гўрсўхта тунов кун зиёратгоҳдаги чашмада умргузаронлик қиладиган жонон балиқларга бир отим нос ташлаворди. Бечоралар нон ташладимикан, деб лаққа-лаққа ютишди. Ана энди анов махлуқни тиржайганини кўринг. Камминта ўзига ўхшаган худобехабарлар йиғилволиб, шу қилмишини опқишлай кетди-я! Хуллас, бир томондан улар бўлди, бир томондан биз бўлдик, роса тепалашдик. Фақат онадан сўкиш бўлмади. Қолган барини айтишдик. Шерингиз ҳаққа бўлса, мақтаганинг гўнг бўлар дегандай, томошақовоқлар уни голиб сайлашди. Йўқ, соғамас булар, соғамас...

Бир қиз чиқиб кўпроқ лайк йиғиш учун ўйнаш-ўйнаш ўйнапти. Энди ўйлаб кўрайлик. Уша қизгина йиллар ўтиб, она бўладими? Ўғил кўрса, ори келмайдими? Қиз кўрса, онасини кўриб қизини ол, дейишмайдими? Болалари минг қилсаям, онам шу, деб хурматини жойига қўяр, майли. Лекин уларнинг тенгдошлари болаларга қия кўз билан қарамайдими? Йиллар ўтиб, қайнона бўлмайдими қизгина?

Бу жониворларга қарайдиган жони борлар борми? Ҳай, қайт, экинни пайхон қиласан, дейдиган йўқми? Ё ҳамма қаровчилар эғнига кастм-шим илинган, бошига шляпа кўндирилган чўпақми? Ўзи қирқ йиллик деҳқонга маълум: безбет қаргалар унақаларни менсимайди, устига чиқиб ўтиради. Ёқмаса, кўрма, дейсанми? Нима қилай ахир, кўрмай десам, кўзим кўр эмас.

БОБОҚАНД

Ҳижрий 1446 йил. Зулҳижжа ойининг 9-куни. Панжшанба. Чин арафада ғамнок битилди.

ТИЛБИЛИМ



БЎҚАДАГИ КАТТА ИЛОН ТАРИХИ

Тошкент вилоятидаги Бўқа туманини ҳамма билади. Ҳўш, каттагина бир туман номини билдирган бу сўзнинг асл илдизи қандай маънога эга?

Маҳмуд Кошғарийда бўқа сўзи бўқа шаклида берилиб, "катта узун илон" маъносида изоҳланган. "Девону луғотит турк"да бу сўз билан боғлиқ шундай тарих бор: "Мақолда шундай келган жэтти башлиғ јі бўқа – Етти бошли узун илон. Ябоқуларнинг энг улуг катталарини бу сўз билан бўқа будриж деб аталган каби баъзи баҳодирларни ҳам бу сўз билан атайдилар".

Демак, бўқа сўзи баҳодир, ботир маъносини ҳам билдирган. Зеро, ўтмишда катта паҳлавонларни аждарҳодай деб таърифлашган. Бақувват, кучли, девкелбат кишиларни ҳозир ҳам тилимизда шундай дейишади.

Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу били"да бу сўз бёеу шаклида бўлиб, доно, донишманд мазмунида келган.

Кўнул тил кўни тут э билга бёеу
Маъноси:
Кўнгул ва тилни тўғри тут,
эй билагон доно.

Қадим замонларда илон донолик рамзи бўлган. Бу ҳақда манбаларда айtilган. Бошқа халқларда ҳам шу қараш бор. Масалан, Режард Киплинг асарини асосидаги "Маугли"

мультфильмида катта илон Каа доно бўлади. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибда "бўқа" сўзи доно маъносида келиши шу кечмишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яна бир нарсани айтиб ўтишимиз керак, Хос Ҳожибда "бўқа" сўзи аждарҳо маъносида ҳам келган:

Йаған йэл бёке-тег
йэр эркан ачар

Маъноси:
Дунё аждарҳо каби ер экан,
яна очқади.

"Туркий тиллар этимологик луғати"да "бёке" кучли, ботир, қахрамон, мустақкам, чайир маъноларини англатиши ҳақида айtilган. Бу сўзнинг туб илдизи мўғул тилидаги *böke/böx* – жангчи сўзига бориб тақалади дейилган. Рамстед қалмоқ тилидаги *bök* сўзи ҳам мўғул тилидаги каби "жангчи, атлет" маъносини билдириши ҳақида айтиб ўтган. Тадқиқотчи олим Чигатой бёке кучли, қахрамон маънолари билан бирга "доно, донишманд" мазмунини ифодалашини ҳам унутмаслик зарурлигини уқтиради.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да баъзи ҳашаротларнинг туҳумидан чиқадиган, қўшқанотлилар туркумига мансуб қурт – *ўқалоқни* ҳам, баъзи шеваларда сайгоқни ҳам "бўқа" дейишлари ҳақида маълумот бор. Лекин бу бошқа мавзу.

Эшқобил ШУКУР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ЭСИМИЗНИ КИМ ЎҒИРЛАДИ?

Ёки яна ТВ мавзусида



Айрим иддаоларга кўра, чинакам маърифий эшиттириш ва кўрсатувларнинг мухлислари енгил-елпи, кўча-кўйнинг гапи сифатида олиб чиқилаётган кўрсатувларга нисбатан анча кам эмиш.

Борингки шундайдир, бироқ бу теран сўз, эзгу фикр ошфуталарининг ҳафсаласини пир қилишга асос эмас-ку.

Шахсан мен илмни бойитадиган, дунёқарашни тўғри шакллантирадиган, маърифатни ва одоб-ахлоқни тарғиб этадиган дастурлар тарафдориман. Бир вақтлар Николай Гоголь асарларини тушуниш учун соддалаштириб нашр этишни талаб қилганларга нисбатан машҳур рус ёзувчиси Фёдор Достоевский: "Гоголни халқ учун соддалаштириш керак эмас, балки халқни Гоголни англаш даражасига олиб чиқиш керак", деб жавоб қилган экан.

Рейтинг борасида бугун кузатилаётган ҳолат

кишига шуни эслатяпти. Бошловчиларининг лиқиллаши, профессионал форматнинг жўнлашгани, қайнота-келин мавзусида ахлоқ чегарасидан жуда узоқлаб кетган, ахлоқсизлик тарғибига ўхшаб қолаётган кўрсатувларнинг бемалол намоиш этилиши, суицид мавзуси ва унинг намоиши ва хоказо каллаварамликлар.

Нима бўляпти ўзи? Эсимизни ким ўғирлади? Суицид ва инцест мавзуси ҳатто Европа ва Америка қитъасидаги аксар ривожланган давлатларда ҳам ёритилиши таққиланган. Биз нима қиляпмиз? Рейтинг кетидан қувиб, "марожнани улар тишлаган жойидан" тишлаб юганимиз йўқми, ишқилиб? Телеканаллар ўзгариши шарт, аммо ўз қадрияти, аънанаси, профессионаллигини ерга уриш эвазига эмас.

Абдулҳамид МУХТОРОВ
Фейсбук

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масъул котиб:

Шўхрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 20 155

Шундан:

Кирилл ёзувида – 8 342

Лотин ёзувида – 11 813

Медиа кузатувчилар – 44 117

Буюртма: Г – 639

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgazet@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz